

## ДЕМОН

### Шарқ қиссаси

#### 1 ҚИСМ

##### 1

Қувғин этилган руҳ, қайғули Демон  
Осий дун'ё узра учиб юрарди,  
Хушнуд кунларининг шукуҳи ҳар он  
Унинг кўз олдига келиб турарди;  
У чоқлар порларди мисоли шу'ла,  
Музайян маконда эди пок гулмон,  
Учқур думли юлдуз, уни ҳар йўла  
Кўрганда, эрка бир табассум ила  
Саломлашганидан шоду-беармон;  
Сирларига тўймай бу кенг оламнинг,  
Туманлар ичидан кўз отар эди.  
Фазода кезучи сайёраларнинг  
Бетиним карвонин кузатар эди.  
Унда иноарди ва севар эди  
Дун'ёнинг тўнғичи бу бахтиёр зот.  
Ёвузлик ва шубҳа унга эди ёт,  
Самарасиз кечган қатор асрлар  
Ақл-идрокига келмасди малол...  
Қанча хотиралар ва қанча сирлар...  
Барини эслашга йўқ унда мажол! —

##### II

Қувулган осий руҳ кўпдандир кезар  
Фазо даштларида сарсон, бемакон:  
Асрлар ортидан ўтди асрлар

Минутларни қувган минутлар сумон.  
Бир-биридан фарқсиз, бир-биридан зиқ.  
Бебақо дун'ёга ҳукм юргузиб,  
Ёвузлик уруғин сочди бепарво,  
Ўз сан'атига у йўл очди ғоят  
Ҳеч қайда қаршилиқ кўрмади асло,  
Ёвузликлардан ҳам тўйди ниҳоят.

##### III

Кавказ чўққилари устидан аста  
Жаннат қувғиндиси учиб ўтарди:  
Олмос қирралардай Казбек ҳам пастда,  
Мангу қор қўйнида порлаб ётарди.  
Қуйида қорайиб аждар инидай,  
Жарларда буралиб илон изидай  
Дарьял ярақларди; бир ёнда Терек —  
Бароқ ёлларини тўзғитиб шердек  
Ўкириб оқарди. Хайвонлар тоғда,  
Қушлар давра олиб мовий фазода  
Унинг шовқинидан маст эди бу чоқ.  
Ва олтин булуғлар уки бу замон  
Жануб юртларидан шимолга томон  
Кузатиб қоларди узоқдан узоқ.  
Бир-бирига туташ мудроқ қоялар,  
Бутун борлиги-ла сирга кўмилиб,  
Дар'ёнинг устига гўё эгилиб,  
Тўлқинларга кўзни тикиб қолалар;  
Тоғ қал'аларининг маноралари  
Туманлар ичидан ҳайбатли нигоҳ  
Ташлайди атрофга; улар ҳар бири  
Кавказ қопқасида посбон гўё.  
Ғалати ва ажиб эди ҳамаёқ —  
Кенг, ёруғ коинот:—мағрур руҳ броқ  
Нафрат кўзи блан боқди хотиржам —  
Тангрисин ишига. — Завқи жўшмади;  
Ва унинг пурвиқор манглайига ҳам  
Бирорта нарсанинг акси тушмади.

## IV

Кўз ўнгида гўзал ер манзараси,  
 Фусункор лавҳалар яшнади бу он:  
 Гўзал Грузия води, дараси  
 Тўшалган гиламдай бўлди намоён;  
 Бахтиёр қулф урган ажиб бир жаҳон!  
 Қоматдор тераклар саф тортиб турар,  
 Сойлари шарқираб югурар, шошар.  
 Тагида рангба-ранг тошлар ялтирар,  
 Чаманда гуллардан руҳ олиб жўшқин,  
 Хушовоз булбуллар тараннум этар —  
 Ўша илтифотсиз гўзаллар ишқин;  
 Шохлари маташган чинорлар турар  
 Соя-салқин, хилват кучоғин очиб;  
 Форларда кундузи иссиқдан қочиб,  
 Ётар ором олиб қўрқоқ оҳулар;  
 Бу ерда нур, ҳаёт, барглар нафаси,  
 Юзлаб садоларнинг жўр мусиқаси;  
 Хилма-хил гиёҳлар ўсар, қулф урар!  
 Кундузлари ёнар ҳирс блан чунон  
 Ва кечалар — ҳушбўй шабнамдан ҳар он  
 Муаттар ҳидларин сочар, уфурар;  
 Юлдузлари ёниқ кўзлардай порлар,  
 Ёш грузин қизининг нигоҳи сумон!..  
 Бу гўзал табиат Демон қалбида  
 Ҳасаддан бошқани уйғотолмади, —  
 Қувғиндининг ҳиссиз, совуқ танида  
 Янги бир куч, туйғу қўзғатолмади;  
 Неки кўрган бўлса, барига ҳасад —  
 Кўзи блан боқди, ё қилди нафрат.

## V

Кекса Гудал қурди баланд иморат,  
 Деворлари юксак, ҳовли саҳни кенг...  
 Муте, итоаткор эски қулларнинг —  
 Меҳнат, кўзёшидан у кўтарди қад.  
 Тонгдан қўшни тоғлар устига қат-қат  
 Баланд деворлари ташлайди соя.  
 Қояда ўйилган тик зинапоя;

Бурчак маноранинг тегидан бошлаб,  
 Шу зинапоядан дар'ёга томон  
 Оппоқ чодрасини бошига ташлаб,  
 Князь қизи гўзал Тамара шодон  
 Арагвага сувга тушади яшнаб.

## VI

Қоянинг устида водига бирдай  
 Сукут ичра боқар бу тумшайган уй;  
 Аммо бугун бунда дабдабали тўй, —  
 Шароб қуйилади, янграйди сурнай. —  
 Бугун ўз қизига тўй берар Гудал,  
 Қавму қариндошни чақирган тугал. —  
 Гилам тўшалган том. Тенг дугоналар —  
 Даврасида келин ўлтирар қувноқ,  
 Ўйин, қўшиқ блан улар вақти чоқ —  
 Утарди. — Қуёш ҳам узоқ қоялар  
 Ортига беркиниб борарди шу чоқ;  
 Қизлар бир оҳангда чапак чалишиб  
 Куйлашарди, — ана, келин ҳам ўйнаб,  
 Чилдирмасин олар завқидан тошиб,  
 Бошдан айлантириб чертар бир қўллаб;  
 Қушдай енгил қанот қоқади гоҳо,  
 Гоҳо бирдан тўхтаб, фусункор боқар, —  
 Мусаффо нигоҳи ёнар, чарақлар  
 Рашкли қора қалин киприқлар аро;  
 Гоҳ қора қошларин қоқар, учирар,  
 Гоҳ бирдан эгилар сағал илгари,  
 Гоҳ гилам устида сирғалиб кўчар  
 Бежирим, ажойиб оёқчалари;  
 У кулар, порлайди гунчадай лаблар,  
 Худди бола каби қувонар, яйрар.  
 Доимо жимирлаб мавжланадиган  
 Мусаффо порловчи нурлари ойнинг  
 Тенглашаоларми, ҳаёт, ёшликнинг  
 Ўзидек ҳаётгий кулгуси блан.

## VII

Ғарбу шарқ уфқининг қизарган оқи,  
 Саҳар юлдузига мен ичаман оит:

У олтин Эроннинг бирор ҳоқони,  
 Ва на ер юзининг бир ҳукмрони  
 Бу тахлит кўзларни ўлмаган ҳеч он;  
 Ҳарамнинг дур сочган гўзал фонтани  
 Лоақал бир марта, иссиқ дамларда,  
 Ўзининг марварид шабнамларида  
 Юлмаган ҳечқачон бундаин танни!  
 Ҳали ер юзида ҳечкимнинг қўли,  
 Севимли манглайда адашиб йўли,  
 Бу каби сочларни сийпаб ўрмаган;  
 Айрилгандан бери жаннатдан дун'ё,  
 Онт ичай, ҳечқачон бу каби ра'но  
 Жануб тупроғида ҳали ўсмаган.

### VIII

Рақс этди бунда у охирги йўла,  
 Ҳайҳот! Кутар эрта бу гўзал юзни,  
 Гудалнинг вориси — ҳур юлдузини  
 Эркинликнинг қувноқ қизгинасини,  
 Чек қўйиб ёшлиги, эркинлигига,  
 Кутарди ҳам тўла қуллик тақдири;  
 Энди унга ётдир ўз она ери,  
 Кутади нотаниш бир ёт оила. —  
 Шунданми, дам-бадам сирли шубҳалар  
 Нурдай рухсорига ташларди соя;  
 Ҳамма ҳаракати, басти шу қадар  
 Гўзал латофатдан қилар ҳикоя.  
 Агар Демон бундан учиб ўтсаю,  
 Унинг жамолига боқсами ногоҳ,  
 Эски мухлисларин бирдан эслаб у,  
 Юзин ўгирарди ва чекарди оҳ...

### IX

Демон кўриб қолди... Тусатдан шу он  
 Ғалати ва ажиб ҳиссу-ҳаяжон  
 Югурганин сизди танда шу нафас,  
 Тилсиз юрагининг бўш саҳросини

Тўлдиргандай бўлди роҳатбахш бир сас. —  
 Чулғад янгидан бор дун'ёсини  
 Муҳаббат, эзгулик, гўзаллик ҳисси!  
 Мафтун бўлиб гўзал лавҳага боқди.  
 Хушнуд кунларининг хаёл, орзуси  
 Занжирдай тизилиб кетма-кет оқди:  
 Гуё қатор-қатор юлдузга ухшаб  
 Кўз олдидан ўтди тортиб узун саф.  
 Бу манзара ўчмас из солди дилга,  
 Янги ғам блан у танишди бирдан,  
 Шунда туйғулари кирдилар тилга,  
 Сўзладилар қадим таниш сўз блан.  
 Бу, балки, уйғониш аломатидир?  
 Унутмоқ истади бу кўринишни,  
 Ҳечнарсачиқмади ҳийла-найрангдан...  
 Унутиш? — Йўқ, буни тангри бермаган,  
 Берса ҳам олмасди у унутишни!..

### X

Куёв арғумоққа қамчилар бериб,  
 Кеч никоҳ базмига етиб борай деб,  
 Шошилиб борарди йўлда бетоқат.  
 Арагванинг кўмкўк бўйига барвақт  
 Етиб келди, мана, беҳавфу-хатар.  
 Юкланган беҳисоб тўй совғалари;  
 Зўрға-зўрға борар туялар қатор  
 Унинг орқасидан тортиб узун саф;  
 Бетиним жаранглар бутун йул бўйлаб  
 Қўнғироқчаларнинг жўр садалари.  
 Сиводал юртининг бу ҳукмрони  
 Ўзи бу бебаҳо қарвонни элтар,  
 Миқти белин сиқиб тортилган камар;  
 Осилган ханжари ва исфиҳони  
 Қуёшнинг нурида ярқирар тиниқ;  
 Кифтида осилган чекма-нақш милтиқ.  
 Кечки ғир-ғир шамол тегиб юлқилар  
 Чухасининг\* энгу этакларига,

\* Чўха — енгил елкага ташлаб қўйиладиган устки кийим,  
 чакмон (Лермонтов изоҳи).

Унинг ёқасига, кизакларига  
 Тикилганди нафис заррин уқалар,  
 Яшнар эгарининг ипак гуллари,  
 Силкинар юганин зар попуқлари;  
 Мағрур суворисин остида терлаб,  
 Бу бебаҳо тулпор борар гижинглаб;  
 Шу чоқ, Қорабоғнинг зотдори бирдан  
 Кўпиклар, мавжларга қараб пишқириб,  
 Қулогин чимириб, ҳуркиб, хатардан —  
 Огоҳ қилди депсиб тисланиб туриб,  
 Хўжасини қиргоқ — хавfli тор йўлдан:  
 Унга — чуқур дар'ё оқар ўшқириб,  
 Чапда — юксалганди қоя соҳилдан.  
 Кеч кирганди. Қорли чўққида шу дам  
 Ёқут шафақ сўнар; босарди туман...  
 Қадамин тезлатар карвон шашт блан.

#### XI

Мана, йўл бўйида кичик хонақо...  
 Тангри даргоҳидан топиб тинч паноҳ  
 Бир князь ётади, авлиё эмиш,  
 Аслда қасоскор қўлларда ўлмиш! —  
 Одатан, ё байрам, ёки жангоҳга,  
 Йўловчи қаерга шошмасин, албат,  
 Хонақо олдида бу авлиёга —  
 Тиз чўкиб қиларди ҳаргал ибодат;  
 Шунда сақланарди ўлим ғамидан,  
 Муслмон ханжарин қонли дамидан.  
 Аммо боболарнинг урф-одатини  
 Писанд қилмай куёв сурди отини. —  
 Маккор Демон унинг ўйларин шунда  
 Пайқаб ғазабланган эди қалбидан:  
 У ўз хаёлида, қоронғу тунда  
 Бўса олар эди ёрин лабидан. —  
 Кўрди қаршисида у икки кимса:  
 Ўқ отилди — холос. — Нима ҳодиса?..  
 Жарангли узанги узра тик туриб,  
 Папагини қоши устига суриб,  
 Жим турди бир нафас князь мардона;

Туркча милтиғини тутиб асабий  
 Қамчи босди отга ва бургут каби  
 Олдинга отилди... Уқ чиқди яна;  
 Шовқин ва қийқириқ, бўғиқ биринграш  
 Бирдан юксалди-ю водига сингди.  
 Узоқ давом этмай тугади кураш,  
 Чучиб грузинлар қочди, беркинди.

#### XII

Шовқин-сурон тинди; туялар бу он  
 Ётган жасадлардан кўз узмай ҳайрон  
 Боқардилар ҳуркиб — динг қулоқлари;  
 Ва жимжит кенг саҳро қўйнида ҳамон  
 Жангирлаб турарди қўнғироқлари.  
 Дабдабали карвон таланган роса;  
 Христианларнинг жасади узра  
 Тун қўши айланиб қоқарди қанот.  
 Ва насиб бўлмади уларга, ҳайҳот,  
 Ота-боболарин хоки беозор —  
 Ётган монастирли — қадрли мазор.  
 Она, опалари келмас талпиниб,  
 Бошларига узун чодир ёпиниб,  
 Аза тутиб йиғлаб, оҳ уриб, ёниб,  
 Узоқдан, буларнинг қабри ёнига!  
 Лекин бир саҳий қўл ҳимоясида,  
 Бунда, йўл ёқаси — қоя устида  
 Бут тикиб қўйилар улар номига;  
 Ва чирмовуқ гуллар баҳор фаслида  
 Уни эркалатар ва қучар хуррам —  
 Ўзининг зумраддай кўмкўк тўрида;  
 Машаққатли йўлдан бурилиб бунда  
 Чарчаган ва толган йўловчилар ҳам  
 Илоҳий сояда олур бирпас дам.

#### XIII

Буғидан тез учиб елиб борар от,  
 Пишқирар, жанг томон очгандай қанот;  
 Гоҳо бирдан тўхтаб, аланглар ҳарёқ,  
 Эсан шамолларга солади қулёқ;  
 Бурнин катта кериб, нафасин ростлаб,

Бирдан ерни тешиб, ёниб ҳаллослаб,  
 Тақаси шарақлаб, ердан кўчарди,  
 Тўзғоқ ёлларини силкиб юқори,  
 Беихтиёр, ҳушсиз одга учарди.  
 Устида барарди унсиз сўвори!  
 Отининг ёлига ёпишган маҳкам,  
 Эгарга урилиб борар дамба-дам.  
 Тизгинни ҳам буролмас қоқиб,  
 Узанги ичида қотган оёғи;  
 Ярасидан унинг тирқираб оқиб  
 Тушар чекманини бўяб қон доғи.  
 Эй чопқир жонивор, ўз соҳибингни  
 Омон одиб чиқдинг жанглар ўтидан;  
 Сақлаб қололмадинг броқ сен уни  
 Тунда осетиннинг ёвуз ўқидан!

#### XIV

Гудал оиласи дод-фар'ёд қилиб  
 Йиғлар. Ҳовли тўла одам йиғилган:  
 Кимнинг отидир бу, ёниб учиб келиб,  
 Эшик олдидаги тошга йиқилган?  
 Ким ўзи бу отлиқ, бу мурда, эвоҳ,  
 Жанглар суронидан беради гувоҳ.  
 Қорамтир манглайда ажинлар йўли,  
 Қурол ва кийимлар қонга беланган;  
 Сўнгги талвасанинг қуввати блан  
 От ёлига маҳкам ёпишган қўли.  
 Келин, мана сенинг нигорон кўзинг  
 Ёш куёвинг йўлин ортиқ кутмади:  
 Устидан чиқолди князь ўз сўзин:  
 Никоҳи — базмига у кечикмади...  
 Хайҳот! Энди унинг юраги тинди,  
 Минмаиди югурик отига энди...

#### XV

Бу беғам оила устига бирдан  
 Яшиндай урилди тақдир жазоси!  
 Шўрли Тамаранинг хаста бағридан  
 Тудоқиб чиқарди оҳи-нидоси;

Тияолмас бирпас маржондай ёшин,  
 Гуё ўт ловулла унинг кўксига,  
 Эшитгандай бўлар боши устида  
 Бировнинг янграган сирли товушан:  
 „Йиғлама бас, қизим; йиғнинг беҳуда!  
 Ёшинг жонсиз гавда устига сра  
 Ёғилмайди ахир обиҳаётдай:  
 Фақат кўзларингни қилади хира,  
 Нафис ёноғингни ёндираб ўтдай.  
 У узоқда; билмас, англамас ахир,  
 Фойдасиздир ғамли фар'ёдлар, унлар;  
 Эркалайди энди унинг бета'сир,  
 Жонсиз нигоҳини осмоний нурлар;  
 Жаннат куйин тинглар, йўқдир ташвиши!  
 Арзимас туш каби унга бу ҳаёт.  
 Ва бечора қизнинг йиғлоқ товуши  
 Жаннат меҳмонига туйилмасми ёт?  
 Йўқ; ишонгил менга, ерли фариштам,  
 Ишон сўзимга, бу бебақо дун'ё —  
 Қисмати чиндан ҳам арзимас асло  
 Қимматли ғуссангнинг лаҳзасига ҳам.

„Бу кенг ҳаво океанида  
 Сайёралар қатор ва тигиз —  
 Секингина туман қўйнида  
 Сузишади елкансиз, рульсиз;  
 Чегарасиз — чексиз фазода  
 Паға-паға оппоқ булутлар  
 Бар тутқизмай, изсиз осуда  
 Сайр этади тўхтамай улар.  
 Уларда бор на фироқ, дийдор,  
 На шодондир улар на ғамсўз,  
 Келажакка на бир ҳавас бор,  
 На ўтмишдан заррача афсус.  
 Бахтсизликдан толиққанинг пайт,  
 Ол эсинга фақат шуларни;  
 Боқ ҳаётинг нарсага лоқайд,  
 Бепарво бўл шулар сивгари!“

„Тун секин ўзининг қора пардасин  
 Кавказ чўққисига, аста ёпган чоқ,

Дун'ё сеҳрланиб, чиқазмай сасин,  
Макрлар қўйнига беҳуш ботган чоқ;  
Шамол қояларда уйнаб учганда,  
Қовжироқ ўтларни силкиб қучганда,  
Писиб ётган қушча қувониб унда,  
Потирлаб қолганда қоронғу тунда;  
Боғда, ишкомларнинг тагида гуллар  
Мусаффо шабнамга қўйиб чанқоқ лаб,  
Тунги ғунчасини аста очган пайт;  
Олтинсимон ой ҳам секин мўралаб  
Тоғ ортидан сенга нурин сочган пайт, —  
Ҳузурингга учиб келаман дарҳол,  
Тонггача ёнингда меҳмон бўламан,  
Ипак кипригингга, э соҳиб жамол,  
Олтин уйқуларни бериб елпийман...

#### XVI

Овоз секин-секин кетди йироққа,  
Бора-бора аста ўчди сўзлар ҳам.  
Тамара сесканиб боқди ҳарёққа...  
Ғалати бир ваҳма, изтироб, даҳшат —  
Тўлди кўкрагига; босди қўрқув, ғам,  
Асло-асло бундай бўлмаган ҳечвақт.  
Бутун сезгилари қайнади чунон,  
Қалби урар худди қафасдаги қуш,  
Ўт югурди бутун танида шу он,  
Ва ҳалиги ажиб, ғалати товуш  
Қулоғида гўё янграрди ҳамон...  
Мана тонгга яқин юмилди аста  
Уйқу хумор қилган толган кўзлари;  
Аммо кароматли ғойиб сўзлари  
Фикрини қилганди паришон-хаста.  
Шубҳали келгинди соқов ким эди?  
Самимий кўрк блан гул-гул очилиб,  
Нигоҳида меҳр-шафқат сочилиб,  
Унинг қаршисида бошини эгди:  
Шундай дардли эди унинг назари,  
Гўё қиз ҳолига у қизғанарди.  
У на малак эди—само элчиси,  
Ва на қўриқловчи ҳимоячиси;

Жингалак сочида олтин камалак —  
Нуридан йўқ эди гултож — чамбарак.  
Ва шаддод дўзаҳи руҳмас, одамга —  
Азоб беручи; йўқ, йўқ унда қусур!  
У ўхшарди худди ойдин оқшомга,  
На кун, на тун эди, на зулмат, на нур!..

#### II КИСМ

#### I

„Ота, отажон, қўй, қўрқитма мени,  
Тамарангни бунча койимагил, бас;  
Мен йиғлайман: ахир, бу ёшларимни  
Энди биринчи бор кўрганнинг эмас.  
Бирин-кетин шошиб узоқ эллардан  
Совчилар келишар бунда беҳуда...  
Қиз тўлиб ётипти Грузияда!  
Броқ, ҳечким умид қилмасин мендан!..  
Койима, отажон, койима, падар,  
Кўриб турибсанки, кун-кундан баттар  
Сўламан, ёвузлик чангалидаман!  
Енгиб бўлмайдиган ваҳмалар блан  
Маккор бир руҳ менга азоб берар, оҳ;  
Шу азоб ичида, бўламан адо!  
Муқаддас даргоҳга топшир обориб,  
Ота, ўз қизингни — бу эссизингни:  
Ўтинарман дардим тўкиб ёлбориб,  
Унда тангри ёқлар телба қизингни.  
Бу дун'ёда шодлик йўқ энди менга...  
Муқаддас дун'ёнинг шу'ласи тушган,  
Ва менга аталган, гўрга ўхшаган  
Қопқоронғу ҳужра олсин қўйнига...“

#### II

Тамарани хилват бир монастырьга  
Элтиб топширдилар қариндошлари,  
Ёнилди қизчанинг ёш сийнасига  
Монастирьнинг қўпол кийим-бошлари.

Монах кийимини кийгани блан  
Худди кимхоб либос кийгани каби  
Ҳали ҳам ношар'ий хаёлларга банд  
Бўлиб аввалгидай тепарди қалби.  
Шам ёнган меҳробнинг қаршисида ҳам  
Тантанали гуррос ибодат пайти,  
Овозларни босиб, қироат пайти  
Таниш овоз келар унга дамба-дам.  
Эҳромнинг қоронғу гумбазида гоҳ  
Изсиз ва шарфасиз шамолдай эсиб,  
Исриқларнинг енгил туманин кесиб,  
Таниш тимсол бирдан бўларди пайдо.  
Аста ярқирарди бир юлдузсумон,  
Имлар, чақирар у... қайга? қай томон?..

### III

Икки тоғ ораси, салқин, хилватда,  
Муқаддас монастирь ўрнашган эди.  
Чинорлар, тераклар сафи пайваста  
Унинг атрофини ўрашган эди.  
Сойни қоронғу тун қоплаган чоғи  
Хужра ойнасида йилт-йилт кўринар  
У ёш гуноҳкорнинг ёнган чироғи.  
Қабрларнинг сокин қоровуллари —  
Бутлари саф тортган мзористонда,  
Қалин бодомзорда — ҳамма томонда  
Жаранглар жўр бўлиб қуш „ҳув-ҳув“лари.  
Тошдан-тошга сакраб, шўх тўлқин отиб,  
Осиқ қояларнинг тагидан ўтиб,  
Сарин чашмаларнинг салқин сувлари  
Сойнинг ўртасида қўшилиб баря,  
Иноқ бўлиб, ўйнаб оқар қуйига,  
Чаман-чаман қалин гуллар қуйнига. —

### IV

Тоғлар кўринади шимол томонда.  
Уфқда тонг нури йилт этган онда,  
Кенг водининг узоқ тўрида эриб, —  
Кўмкўк туман аста қўзғолган замон,

Муаззин қиблага юзин ўгириб,  
Ибодатга чарлаб айтганда азон;  
Титроқ қўнғироқнинг зўр жаранггоси  
Янғираб уйғотгач монастирьни ҳам;  
Тантанали, сокин гўзал субҳи дам,  
Ёш грузин қизи узун кўзасин  
Кўтариб тик тоғдан қуйига томон  
Айланма йўллардан сувга тушган он;  
Қорли чўққиларнинг қатор тизмасин  
Оч-бинафшаранг бир девор сумон,  
Тип-тиниқ осмонга тушганда акси;  
Барини оқшомлар, кун ботган ҳамон  
Ўрайди шафақнинг ёқут пардаси;  
Ўртада булутлар кўксин ёриб тик,  
Бошин ҳаммасидан тутиб баландда,  
Мағрур турар Кавказ подшоси Казбек  
Бошида оқ салла, кимҳоб чакманда.

### V

Аммо Тамарага завқ бермас улар,  
Чунки қалби тўла гуноҳий ўйлар,  
Дарди бедаводир ва бениҳоя,  
Наздида оламни қоплаган соя;  
Бундаги тонг нури, тун қоронғуси —  
Ҳамма нарса унга азобнинг рамзи.  
Ба'зан у, ярим тун, сарин шабода  
Елпий бошлаганда ерни беозор,  
Икона олдида лол, парокавда,  
Эс-ҳушин йўқотиб, йиғларди зор-зор;  
Қопқоронғи кеча, сукунатли дам,  
Юракни эзучи бу оғир йиғи  
Хаёлин бўларди йўловчининг ҳам;  
Ўйларди йўловчи кўнглида қўрқув:  
„Инграр горда боғлиқ ётган тоғ жини!“  
Бор диққатин бериб шу томонга у,  
Чарчаган отига босар қамчини...  
Тамара қайғуда титраб мунгли зор,  
Хаёл чангалига бўлиб мубтало,  
Деразадан қараб ўлтирар танҳо,  
Нигорон кўзлари йўлга интизор.

Кун бўйи шу зайил кутар бетоқат,  
 Кимдир пичирлайди: у келар, албат!  
 Беҳуда эмасдир ширин туш, хаёл:  
 Чуқур қайғу тўла ғамгин кўз блан  
 Ва ажиб ёқимли ширин сўз блан  
 Унинг кўзларига кўринган тимсол.  
 Қанча кун шу кўйи толар, сиқилар,  
 Ўзи ҳам билмайди сабаб не бунга;  
 Авлиёларга қиз топинмоқ истар,  
 Аммо қалби бирдай топинар *унга!*  
 Мана шу муттасил курашдан толиб,  
 Ухлашга бошини қўяр экан қиз,  
 Ёндирар ёстиғи оловдай ёниб,  
 Сапчиб турар, титрар; азоби сўнгсиз...  
 Бағри ўртанади, кўкси қисилар,  
 Дам ололмас, кўзи туманли, шу чоқ:  
 Қучоқлари унинг бир оғуш истар,  
 Чанқоқ дудоқлари бир лабга муштоқ...

VII

Шом қоронғусини бир ўртуксимон,  
 Грузия тоғлари бошига илди.  
 Қизнинг висолини қўмсаган Демон  
 Монастирьга шу он зув учиб келди.  
 Бунда узоқ кутди, жур'ат этмади  
 Муқаддас даргоҳга киришга иблис.  
 Шундай минутлар ҳам бўлди у, шаксиз,  
 Воз кечарди ёвуз ниятларидан.  
 Деворлар остида секин, шарпасиз  
 Тентиб юрди ўйчан: барглар шамолсиз  
 Қоронғида титрар қадамларидан.  
 Тепага боқди: қиз деразасида  
 Тун зулматин кесиб ёнарди чироқ;  
 Демакки, қиз кўпдан кимгадир муштоқ!  
 Ана шу сукунат ичида бирдан  
 Жаранглади чингар\* торлари равон;

\* Чингар — гитарга ўхшаган чолғу асбоби. (*Лермонтов*  
*изоҳи*).

Бу куйга ашула жўр бўлиб аста,  
 Тун қўйнида оқди, оқди пайваста,  
 Маржон-маржон оққан кўзёшлар сумон,  
 Шу қадар дилбару оташга тўлиқ,  
 Гўёки самода тўқилган, лекин —  
 Аслида ер учун аталган қўшиқ.  
 Ёки бирор малак бу ерга секин  
 Унутилган дўстин кўрмоқлик учун  
 Аста яширинча учиб келдими?  
 Кеча қоронғусин у хилват билиб,  
 Айрилиқ кунларни бир дoston қилиб,  
 Ўз дўстига ёниб куйлаб бердимиз?..  
 Севги ҳаяжонин, унинг қайғусин  
 Демон биринчи бор шунда англади;  
 Ва кўрқиб қочмоқчи бўлганди секин...  
 Аммо қанотлари қимирламади!  
 Во ажаб! Иблисининг сўник кўзидан  
 Оғир кўзёшлари қуйилди бирдан...  
 Демон кўзларидан оққан ўша ёш,  
 Инсон ёши эмас, гўёки оташ —  
 Алангаси блан ёниб ўртанган  
 Ва ҳужра ёнида ҳали ҳам ётган  
 Ҳамаёғи куйган қопқора бир тош!..

VIII

Ана кириб келди, севмоққа тайёр,  
 Марҳамати тўла қалбида чунон!  
 У ўйларди: бўлди орзусига ёр,  
 Келди ҳаётида истаган замон.  
 Аммо мағрур қалби зўр изтиробда,  
 Мажҳул интизорлик қийноғини ҳам,  
 Сирли, тилсиз қўрқув титроғини ҳам  
 Гўё биринчи бор сездди шу топда.  
 Ёмонлик шарпаси эди бу туйғу!  
 Ичкарига кириб, мана кўрди у:  
 Турар қиз ёнида манглайи порлаб,  
 Нуроний фаришта, жаннат элчиси;  
 Гўзал гуноҳкорнинг ҳимоячиси  
 Қаноти-да ёвдан қизни паналаб.



Бирдан илоҳи нур ярқираб шунда,  
Демон кўзларини қилди зимзиё,  
У кутган ёқимли салом урнида,  
Эшитилди оғир, ғазабли нидо:

IK

„Бадният, нотинч руҳ, нега сен бунда?  
Ким чақирди сени бу ярим тунда?  
Сенинг муҳлисларинг йўқ бунда мутлоқ,  
Ёвузлик кирмаган ҳали бу ерга;  
Менинг қалбимдаги бу соф севгимга  
Ва э’тиқодимга солма қора доғ.  
Ким чақирди сени? —“

Ёвуз руҳ шу чоқ  
Жавобан тиржайиб кулди макрона;  
Қадалянди қизга рашкли назари,  
Қайтабошдан унинг қалбида яна  
Кўпирди қадимги нафрат заҳари.  
„У меникидир, — Демон жекирди, —  
Қўй уни, кет, у меники — менинг!  
Сен, эй ҳимоячи, кечикдинг энди,  
Мен каби унга ҳам сиғмайди ҳукминг.  
Мана менман унинг мағрур қалбига  
Аллақачон ўзин муҳрини ўйган...  
Энди сенинг ҳадинг сиғмайди унга,  
Менман ахир унинг ишқида куйган!“  
Қайғули кўзлари блан фаришта  
Бечора қурбонга боқди қизғониб,  
Ва қанотларини силкитиб аста  
Бепоён фазога бўлди у ғойиб.

X

Т а м а р а

Оҳ! Кимсан? Сўзларинг қурқинч, айт дарҳол,  
Қайдан келдинг, жаннат ёки дўзахдан?  
Не истайсан бунда?..

448

Демон

Сен соҳиб жамол!

Т а м а р а

Ўзинг танит аввал, жавоб бер, кимсан?..

Демон

Мен ўша осойиш ярим тун сенинг —  
Диққатинг ўзига жалб этган хаёл,  
Фикрини дилингда тахминлаганинг,  
Қайғусини хира фаҳмлаганинг,  
Тунда тушларингда кўринган тимсол;  
Мен ўша, ишончини қилучи барбод;  
Мен ўшаман — ҳамма ёмон кўрган зот;  
Мен ерли бандамга азоб ва кулфат,  
Мен эрқу-идрокнинг шоҳиман мутлоқ!  
Мен фалак ёвиман, табиий офат,  
Тиз чўкиб турибман оёғингга, боқ!  
Мен сенга келтирдим қайнашларимни,  
Севгидаги сокин ибодат-зорим,  
Ерда биринчи бор чеккан азобим  
Ва илк бор тўкилган кўзёшларимни.  
О! Раҳм.эт, қабул эт ўтинч — итобим!  
Сен мени нажоткор сўзларинг блан  
Қайтараоласан эзгу, самога,  
Учардим ҳур бўлиб арш-а’лога  
Севгингнинг муқаддас либосида ман!  
О! Эшит арзимни, тинглагин мени,  
Асиринг-қулингман, севаман сени!  
Мен сени биринчи кўрган кунимдан,  
Ҳукму қудратимдан, мангу умримдан,  
Билсайдинг, нафрат-ла воз кечганимни.  
Беихтиёр боқдим ҳасад блан илк  
Ернинг ками-кўстли завқига шу чоқ:  
Алам қилди сендай яшаёлмаслик,  
Яна ҳам даҳшатли — сенсиз яшамоқ.  
Қонсиз юрагимнинг тубида тўсат

Умидимнинг нури йилтираб кетди,  
Эски жароҳатим тагидаги дард  
Худди илон каби қимирлаб кетди.  
Сенсиз нима қилай абадиятни?  
Чексиз, чегарасиз ҳокимиятни?  
Нетай, бари сенсиз менга ҳаромдир,  
Худди илоҳисиз кенг бир эҳромдир!

### Тамара

Қуй мени ҳолимга, эй риёкор руҳ,  
Бас қил, ишонмайман душманга — сенга...  
Ё раббий... Ҳайҳот! бу не бўлди, тилга —  
Дуо келмас... эсни емирар оғу!  
Улим оғуси бу, бўғар, ё ҳазар,  
Сен мени, охири ҳалок этасан;  
Сўзларинг оловдир, сўзларинг заҳар...  
Айтчи, нима учун мени севасан!

### Демон

Нечун дейсанми, эй, гўзал тал'атли?  
Билмайман!.. Янгича яшай бошладим,  
Гуноҳкор бошимдан товқи-ла'натни  
Тавба қилиб, мағрур олиб ташладим;  
Ҳамма бор нарсамдан кечдим бир зумда:  
Жаннатим, дўзахим сенинг кўзингда.  
Мен ўзга эҳтирос блан севаман,  
Асло, асло бунга ўхшамас севгинг:  
Абадий хаёллар ва орзуларнинг  
Ҳузур ва ихлоси блан севаман.  
Дун'ё яралгандан бери қалбимда  
Суратдай акс этган сенинг тимсолинг,  
Қачон, қайга бормай, ёрқин жамолинг —  
Абадий фазода турди қаршимда.  
Хаёлимни қилиб паришон кўпдан,  
Бу ном қулоғимга иссиқ урилар;  
Мен жаннатда роҳат яшаган кунлар  
Фақат сенга, сенга муҳтож эдим ман.  
Қандай зерикарли, оҳ! Билсайдинг равшан:

Умр бўйи аччиқ, бесон-беҳисоб,  
Асрларча оғир толиқиш блан  
Ўзлуксиз кўрмоқ роҳат ва азоб;  
Ёвузликлар учун мақтов кутмасдан,  
Яхшиликлар учун эҳсон кўрмасдан,  
Доимий равишда ўз аланганда  
Ўзинг ёниб, ўзинг ўчиб яшамоқ,  
Яна шу оғирки, бу мангу жангда  
На тантана бордир, ва на ярашмоқ.  
Зерикдим шафқатдан, қаҳрланмоқдан,  
Ҳар нарсани билмоқ ва уни кўрмоқ,  
Кунгли қора бўлмоқ ҳамда жирканмоқ —  
Дун'ёда боридан-нафрат қилмоқдан!..  
Тангри жаннатидан қувлаган чоғи,  
Унинг қарғишига учраганим кун  
Бутун табиатнинг иссиқ қучоғи  
Муздай бўлиб қолди мангу мен учун;  
Кўмкўк фазо турди қаршимда менинг;  
Унда эса таниш сайёраларнинг  
Кўриб турар эдим тўй-ҳашамини...  
Олтин чамбар тақиб ўтишар хуррам:  
Бу қандай ҳол? Улар бирортаси ҳам  
Таниёлмай ўтиб борарди мени.  
Шунда ўзим каби қувгиндиларни  
Қаҳр-ла ғазабга чорлаб, ундадим,  
Ёвуз кўзли, ёвуз сўзли уларни,  
Ҳайҳот! мен ўзим ҳам таниёлмадим.  
Қўрқувга тушдим, мен қоқиб қанот,  
Парвоз қилдим — аммо, нега? қай томон?  
Билмам... юз ўгирди дўстлар; коинот —  
Жаннат каби бирдан мен учун шу он  
Бўлиб қолди мангу кару безабон.  
Худди шикаст еган кемага ўхшаш,  
Эркин оқимларга бўйсуниб, йўлсиз  
Сузиб кетдим олға елкансиз, рульсиз,  
Аммо билмас эдим — қаерда тўхташ;  
Гўёки, мен шунда тонг отган замон  
Чақмоқ парчалаган булутлар сумон;  
Ложувард осмонда ўзим қорайиб,  
Бир ерда туролмай, танҳо саргайиб,

Учдим мулжалсиз-у, нэсиз ҳар томон,  
Ким билади — қайдан, йулим қай томон!  
Инсонни ром қилдим мен машаққатсиз,  
Уларни гуноҳга ўргатдим тездан;  
Ҳамма яхшилиқни қилдим шуҳратсиз,  
Ҳамма одилликни айладим тубан;  
Тездан... соф имоннинг ёлқинин инсон —  
Қалбида абадий сўндирдим осон...  
Арзирмиди менинг меҳнатимга оҳ! —  
Барча мунофиқу ва барча гумроҳ?  
Ба'зан, тоғ, сойларда беркиндим атай,  
Ба'зан, қора тўнда учган юлдуздай  
Бошим оққан ёққа ўзимни урдим...  
Ба'зан, ёппаёлғиз йўлчидай юрдим:  
Кўриндим чироқдай ёниб назарга;  
Ва у оти блан қуларкан жарга, —  
Беҳуда чорларди, қони тирқирар  
Ва борар из солиб ортидан шу чоқ...  
Аммо бу ёқимсиз ёвуз эрмаклар  
Овутолмадилар мени кўп узсқ!  
Табийий тўпонлар ичра суриниб,  
Юрак иоласини сўндириш учун,  
Муқаррар ўйлардан бирпас қутилиб,  
Унутолмасликни унутиш учун —  
Ба'зан тўзон бўлиб учдим осмонга.  
Қудратли довулга қарши курашдим,  
Ба'зан яшин, туман кийиб ҳар ёнга  
Булутлар ичида ўкириб тошдим!  
Ҳечким танолмаган, ҳатто биргина —  
Бир лаҳза чекканим азоб олдида, —  
Келажак ва кечган минг-миллион банда  
Алами, кулфати, қайғуси нима?  
Инсон нима? — ҳаёт, меҳнати нима?  
Улар ўтган экан, ўтади яна...  
Аммо ишонади улар: бор сўроқ;  
Гуноҳкор бўлса ҳам мумкин афв этмоқ!  
Менинг ғамим бунда — бир хил ва бўғуқ,  
Унинг ҳам умримдай ниҳояси йўқ;  
Қабр уйқуси ҳам насибмас унга!  
Гоҳида аврайди илонга ўхшаб,

Гоҳо ёндиради худди оташдай,  
Гоҳо эзар фикрим — пуч ҳавасларнинг,  
Сўнган умидларнинг, эҳтиросларнинг  
Метиндан мустаҳкам қабр тошидай!..

Т а м а р а

Нима учун керак ҳасратинг менга,  
Нега қилмоқдасан менга шикоят?  
Гуноҳ қилиб қўйдинг...

Д е м о н

Қаршими сенга?

Т а м а р а

Биров эшитади!..

Д е м о н

Ўзимиз танҳо.

Т а м а р а

Тангри-чи!

Д е м о н

У бизга ташламас нигоҳ:  
Осмон блан банд у, ер блан эмас!

Т а м а р а

Дўзаҳ жазоси бор, бизни кечирмас?

Д е м о н

Майлига! Унда ҳам бўласан ҳамроҳ!

## Тамара

Ким бўлма сен, менинг тасодиф дустим,  
Абадий воз кечиб фароғатимдан  
Мажҳул шодлик блан беихтиёр, жим,  
Эй, жафокаш, сўзинг эшитмоқдаман.  
Аммо бу сўзларинг алдаш бўлсачи?  
Кунглим олиш учун авраш бўлсачи?.,  
О! Раҳм эт. — Не керак бунақа шуҳрат?  
Менинг қалбим сенга нечун лозим, айти  
Азизманми кўкка, сен пайқамаган —  
Гўзаллар ичида? ва танҳо каби?  
Ушалар ҳам, ҳайҳот! тоза, гўзалдир;  
Бундагидек улар қизлик тушаги  
Улим қўли блан бузилмагандир...  
Йўқ! Тўғри гапиргил, онт ичгин менга,  
Кўриб турибсан-ку: асирман ғамга,  
Аёллар орзусин ўзинг биласан!  
Эркалайсан қалбда қўрқув-ваҳмани...  
Тушундинг, биласан ҳамма нарсани  
Ва албатта менга раҳм қиласан!  
Онт ич менга... энди ёвузлигингдан  
Қайтасан ва ундан юз ўгир йўқса!  
Наҳот, энди сра бузилмайдиган  
Бирор онт, ё бирор ва'да бўлмаса?..

## Демон

Онт ичаман, сенга олам-ҳилқатнинг  
Биринчи ва сўнгги кунлари ҳақи,  
Жиноятнинг шарми ва ҳақиқатнинг  
Мангу тантанасин нурлари ҳақи;  
Аччиқ ғамнинг оғир зўр тушқунлиги,  
Лаҳзалик орзунинг роҳати ҳақи;  
Ширин висолингнинг завқи-шукуҳи,  
Ва оғир айрилиқ соати ҳақи;  
Онт ичаман, тингла, менга буйсунган  
Мухлисларим тақдир — улуши блан,  
Менинг доим бедор ёвларим бўлган  
Хирссиз малакларнинг қиличи блан;

Онт ичаман, осмон, дузаҳ оташи,  
Ер эзгуликлари, бошинг ҳурмати;  
Онт ичаман, кўзинг сўнгги қарашини,  
Биринчи бор оққан ёшинг ҳурмати;  
Онт ичаман, лабинг соф нафаслари,  
Ипак сочларингнинг тўлқини ҳақи;  
Ҳузур-ҳаловату азоб ҳислари,  
Қалбдаги севгимнинг ёлқини ҳақи, —  
Воз кечдим мен эски интиқомимдан,  
Воз кечдим ғурурли ўйлардан энди;  
Бундан сўнг заҳарли макр жомимдан  
Ҳечкимнинг ақли ҳам заҳарланмайди;  
Само блан энди бўламан иноқ,  
Истайман севмоқ ва ибодат қилмоқ,  
Энди эзгуликка ишонай, қайтай,  
Сенга муносиб бу манглайдан артай —  
Кўзларимдан оққан тавба ёши-ла —  
Осмоний оловнинг солган доғини;  
Коинок ҳам менсиз тинч ва осуда  
Давом этдиросин ўз равоғини.  
Ишон! Шу дамгача фақатгина мен  
Сени қалбдан севган, қадрингга етган:  
Бутун ҳоқимият, — ҳамма, ҳаммасин  
Келтириб оёғинг остига тўккан.  
Севгингни эҳсондай кутаман, эркам,  
Мангулик бераман, сев мени бир он;  
Ғазабдаги каби муҳаббатда ҳам  
Содиқман, буюкман, Тамара, инон.  
Эркиндик ўғлиман, сени элтаман  
Юлдузлар устига — баланд оламга;  
Олам маликаси бўлиб яшайсан,  
Биринчи ҳамдамим бўласан менга;  
Зарра қизғонмасдан, парво қилмасдан  
Лоқайд боқажаксан ерга сен мағрур,  
Ерда на ҳақиқий бахт бор азалдан,  
На бир гўзалликка абадий умр;  
Унда бордир фақат жиноят, жазо:  
Арзимас ихтирос блан яшамоқ,  
Қўрқувсиз бирор иш бўлмайди асло:  
Нафрат қилмоқ ҳамда муҳаббат қўймоқ.

Ёки билмайсанми бу жумла инсон —  
 Севгиси — лаҳзалик ишқи нимадир?  
 Ёш қонда булучи бир пўртанадир.  
 Аммо кунлар ўтар — совийди у қон! —  
 Ким узоқ чидайди: аламли ҳижрон  
 Ва янги гўзаллик жилоларига,  
 Ҳорғинлик ва қайғу, оҳ-воҳларига;  
 Ҷар хаёллар ҳам бермайди омон!  
 Йўқ! Азизим, англа, тақдирмас санга —  
 Бўғиқ бу муҳитнинг қурбони бўлмоқ:  
 Қўпол рашкнинг сиқиқ исканжасига  
 Асир бўлиб танҳо жимгина сўлмоқ;  
 Қўрқоқлар, беғамлар ва сохта дўстлар  
 Ҳамда душманларнинг ичида куйиш —  
 Тақдирингмас, — қўрқув ва пуч умидлар,  
 Самарасиз оғир заҳматда сўлиш;  
 Баланд деворларнинг ортида мангу  
 Ихтироссиз, завқсиз умр сурмайсан:  
 Илоҳдан, кишидан узоқ бўлган бу —  
 Ибодатлар ичра ғамгин сўлмайсан;  
 Йўқ! йўқ! Сен, эй, гўзал яратилган зот,  
 Битилгандир сенга ўзгача тақдир;  
 Сени кутар ўзга туйғу, изтироб,  
 Ўзгача роҳатнинг завқлари, ахир;  
 Воз кеч энди эски орзуларингдан,  
 Қисматига топшир аянч дун'ени.  
 Буларнинг ўрнига очай сенга ман  
 Бошқа бир оламини, бошқа жилони;  
 Менинг измимдаги қанча малаклар  
 Қурбон бўлажаклар босган изингга;  
 Итоатли, чаққон ҳамда сеҳргар  
 Канизларни, гўзал, бераман сенга;  
 Шарқдаги юлдузнинг тамтамларидан  
 Бошингга қўяман олтин чамбарак;  
 Гулларнинг саҳарги шабнамларидан  
 Унга беражакман марварид безак;  
 Лента қилиб шафақ нуридан гулгун,  
 Ҳилпиратиб танинг буркаб қўяман;  
 Сен нафас олганинг ҳавога бутун  
 Хушбўй атрларни пуркаб қўяман;

Қизиқ ўйинлар-ла эркалаб ҳардам  
 Ёнингда парвона бўлиб тураман;  
 Асл ферузлар, каҳраболардан  
 Ажойиб қасрлар қуриб бераман;  
 Денгиз тагига ҳам тушаоламан,  
 Булут устига ҳам учаоламан,  
 Барин берай, кўнглинг нима истаса,  
 Севгил мени!..

## XI

Демон шунда оҳиста  
 Тегди олов каби лаблари блан  
 Унинг титраб турган дудоқларига;  
 Ҳавоб бериб сеҳрли гаплари блан  
 Ёлвориб турган қиз сўроқларига.  
 Боқди қиз кўзига оловдай, шунда  
 Ёндирди уни. — Тун қоронғусида  
 Қизнинг устида у, бир ўткир ханжар —  
 Дамидай ялтираб, ёнар чарақлар.  
 Ҳайҳот, у ёвуз руҳ қилди тантана.  
 Унинг бўсасидан ўлим оғуси  
 Қизнинг сийнасига қуйилди бирдан.  
 Тун тинчлигин бузиб биров йиғиси  
 Юксалди қўрқинчли чинқириқ блан.  
 Бу сасда янгради: муҳаббат, азоб,  
 Сўнгги илтижо-ла та'на қилмоқ ҳам,  
 Ҳаммаси, ҳаммаси — алам, изтироб —  
 Ва ёш умр блан хайрлашмоқ ҳам.

## XII

Ташқарида тунги қоровул шу чоқ,  
 Баланд деворларнинг гир айланасин  
 Кезар эди — ўтаб ўз вазифасин,  
 Қўлларида унинг чўян шақилдоқ.  
 Ёш қиз ҳужрасига етар-етмас дам  
 Аста секинлатди одимини у.  
 Чўян шақилдоғин шақиллатмасдан  
 Атрофига бирпас қулоқ солдию,

Тунги сукунатни бузган бир сасни  
 Аниқ эшитди у, бўлди кўнгли гаш:  
 Чанқоқ икки лабнинг тотув бўсаси,  
 Бир лаҳза чинқирик, сўнг заиф инграш.  
 Шунда чол кўнглида аллақаёқдан  
 Пайдо бўлган эди нопок бир гумон...  
 Уша инграш яна титради бир он,  
 Тинди; ва шабада эсиб йироқдан  
 Олиб келди яқин барглар зорини;  
 Тоғдай пастга оққан ирмоқ ҳам аста  
 Чертар эди тинмай мунгли торини.  
 Ёвуз руҳнинг касри тегмасин, дея,  
 Чиркин хаёлларни қувай деб нари, —  
 Дуо ўқир эди чол ваҳимада,  
 Пичирларди унинг титроқ лаблари;  
 Қалтироқ кўлини ҳаяжон ичра  
 Куксига тегизиб чўқинади-ю,  
 Яна тез-тез юриб, индамай сра  
 Одатий йўлида давом этар у.

.....

XIII

Тобути ичида Тамара санам.  
 Ётарди ухлаган бир парисимон.  
 Оппоқ эди тоза кафанидан ҳам  
 Унинг ситамзада манглайи бу он.  
 Кўзлари юмилган эди мангуга!..  
 Аммо ким кўрмасин, дерди: бу кўзлар  
 Киприklar остида фақат сузилар;  
 Гўёки бу кўзлар интизорлик-ла  
 Кутади ё бўса, ё кундан шу'ла...  
 Кундузги нурларнинг олтин оқини  
 Беҳуда сийпалар қовоқларини,  
 Қариндошлари ҳам йиғлаб беҳуда  
 Упардилар унинг дудоқларини...  
 Йўқ! Улим абадий босганди муҳр,  
 Ҳечким юлолмасди уни бир умр!

458

XIV

Тамара киймаган эди ҳеч маҳал  
 Худди бугунгидай рангба-ранг гўзал,  
 Бундай қимматбаҳо ясан-тусанин.  
 Қадрдон водининг атр гуллари,  
 (Бажариб элининг қадимий расмин),  
 Сепардилар унга хушбўй исларин.  
 Жонсиз кўлларида сиқилган гуллар  
 Гўё жудо бўлар тупроқдан улар!  
 Унинг чеҳрасида йўқ бирор нишон  
 Сўнгги қисмати қилучи баён.  
 Унда на ихтирос, на завқ, на ҳузур  
 Ифодаси борди, бу қадди зебо  
 Шундай ҳам чиройга тўлганди, гўё —  
 Чеҳрасин қоплаган бир бегона нур;  
 На туйғу, на ақл; мрамордай оппоқ,  
 Сир бўлган ўлимнинг ўзидай мутлоқ. —  
 Мунгли ҳаётидан бериб нишона,  
 Лабларида қотган нозик табассум  
 Оғир қайгулардан қилур ҳикоя.  
 Диққат блан боққан кишига, ма'сум;  
 Бу кўзларда борди ўлимга рози —  
 Бўлган қалбнинг совуқ нафрат тошқини,  
 Сўнгги хаёллари, сўнгги озори,  
 Ер блан жимгина видо'лашгани.  
 Ҳаётдай беҳуда йилтирар эди  
 Жонсиз бўлса ҳамки гулдай юзлари  
 Ва бета'сир эди юракка энди  
 Абадий юмилган ёниқ кўзлари.  
 Худди шундай булар тантанали шом:  
 Қуёш аста уфқ гурбига етиб,  
 Олтин денгиз ичра ўзин беркитиб,  
 Ўзин сайрини у этганда тамом,  
 Ёқут нури Қазбек қори устида,  
 Қизариб кўринар шомда олисда.  
 Зотан, ярим тирик бу шу'ла бирдам  
 Ўз аксин учратмас чўлда, қирларда,  
 Турса ҳам баландда — муз чўқиларда,  
 Ҳечкимнинг йўлини ёритмайди ҳам!..

459

Отландилар қатор қўшни-қариндош  
 Мотамли йул сари — кўзларида ёш.  
 Гудал йиғлаб оппоқ сочларин юлар,  
 Тили лол, йиғлару кўксига урар,  
 У сўнг маротаба тутганди бу гез  
 Бу оқ ёл отининг тизгинин қўлда,  
 Жўнадилар. Улар уч кеча-кундуз  
 Юришлари керак эди бу йўлда:  
 Боболар қабрининг ёнида янги  
 Қазилганди қизнинг сокин маскани.  
 Ота авлодидан бири Гудалнинг  
 Ўтган экан каззоб; ўғри, йўлбосар,  
 Шаҳар, қишлоқларни талапти овсар;  
 Беморлик тўшакда кўни битганда,  
 Тавба-тазарру'нинг вақти етганда,  
 Пок бўлай деб қилган гуноҳдан тамом,  
 Фақат қор бўронлар ҳувилаб бир тусда,  
 Фақат калхат учиб қўнишга жур'ат —  
 Қилолган гранит қоя устида  
 Бир черков қурмоқни қилипти ният.  
 Ва Казбекнинг оппоқ қорлари аро  
 Қад кўтармиш тездан ягона эҳром.  
 Бу ёвуз кишининг суяклари жо —  
 Бўлиб бу эҳромда топипти ором;  
 Қоя — тош қабристон бўлган шу кўйи,  
 Унга қадрдонди булут ва чақин,  
 Гуёки, бу иссиқ марҳумлар уйи  
 Самовот уйига турармиш яқин?..  
 Гуё, одамлардан бўлганда йироқ,  
 Бу сўнгги уйқуда ором бузилмас...  
 Бекор гап! Ўлганлар тушига кирмас  
 Ўтган умрин гами, қувончи броқ...

Олтин қанот қоқиб кўмкўк фазода,  
 Илоҳи бир малак қанотин очиб,  
 Осмон водисада давонлар ошиб,

Учарди дун'ёдан бир ситамзада  
 Банданинг жонини бағрига босиб.  
 Таскин бериб унга ва бардош блан  
 Унинг шубҳаларин қувиб борарди,  
 Оқиб тушаётган күзёши блан  
 Гуноҳ, азоб доғин ювиб борарди.  
 Жаннат товушлари узоқдан эсиб  
 Эшитилган чоқда — бирдан рўбару  
 Чиқди улар эркин йўлини кесиб,  
 Қалқиб тубсизликдан у дўзахий руҳ. —  
 Даҳшатли қуюндай қудратли эди,  
 Чақмоқ чақинидай ёнарди ўткир.  
 Гердайиб, қўполлик блан у деди:  
 „Уни буёққа бер, у меникидир!“

Шунда Тамаранинг гуноҳкор жони  
 Топиниб даҳшатдан юзин ўгирди,  
 Ҳимоячисининг бағрига кирди,  
 Келажак тақдири ҳал бўлар они,  
 Кўзи қаршисида у турар эди.  
 Аммо, худо ҳақи! — ким танир эди?  
 Шундай ёвузона соларди назар,  
 Кўзидан ёғарди ўлимтик заҳар.  
 Душманликка тўла ҳайбати бирам,  
 Қонсиз юзларидан қиларди ҳазар —  
 Ҳувуллаган совуқ қабр ўзи ҳам.

„Йўқол, ла'нати руҳ, э шаккок, разил! —  
 Дея жавоб берди осмон элчиси. —  
 Тантана қилганинг етар энди, бил;  
 Етиб келди мана сўроқнинг гези,  
 Тангри ўз ҳукмини чиқарди одил!  
 Ўтди унинг қисқа синов кунлари;  
 Дун'ёнинг илвириқ кийими блан  
 Ёвузлик занжири йўқолди бари.  
 Билгинки! Биз уни кутардик кўпдан!  
 Унинг руҳи, шундай руҳлардан бири,  
 Ҳаётида бирпас бўлмаган шодон.  
 Оғир ғам-ғуссадан бўлмаган омон,  
 Фақат қайғу блан сўнган тақдири.

Тангри дун'ёдаги асл нарсадан  
Тўқигандир жонли торларин! Хуллас,  
Улар дун'ё учун яратилмаган,  
Дун'ё ҳам улар-чун яратилганмас!  
Сўнгги жазо — оғир қисмати блан  
Ювиб ташлади ўз гуноҳларини...  
Азоб чекди, севди ва шу сабабдан  
Жаннат қучоқ очиб кутмоқда уни!"

Фаришта қаҳрли тик назарини  
Газанда томонга ташлади ғолиб;  
Ва шодон силкитиб қанотларини,  
Осмон нури ичра бўлди у ғойиб.  
Ўз амалларини ла'натлаб Демон,  
Телба ўйларидан қилиб минг афсус,  
Ва қолди қайтадан ёлғиз, бемакон,  
Яна аввалгидек фазода сарсон,  
Абадий умидсиз ва муҳаббатсиз!..

Қойшоур водиси узра баландда,  
Тоғ бағрида, ўша қояда ҳамон  
Сақланиб қолганди вайрона ҳолда, —  
Кунгира деворли қадимий қўрғон.  
Аммо, болаларга қўрқинчли бўлган  
Унинг ҳикояси тушмайди тилдан.  
Сеҳрли кунлардан ёдгор бўлиб ул,  
Қорайиб дарахтлар ичра кўринар.  
Қуйида сочилиб ётади овул,  
Води бир зайилда гуллар, туркирар;  
Узоқлардан келар карвон босиб йўл,  
Шов-шувларни босиб қўнғироғи-ла,  
Ўтиб боришади олис сой ёқда;  
Туман пардасини йиртиб шалола —  
Ялтираб кўринар йироқ-йироқда.  
Табиат — қуёши, баҳори блан,  
Мусаффо ва сарин наҳори блан  
Ҳамиша ёшдир-у, ҳамиша шўхдир,  
Худди бола каби ҳеч гами йўқдир.

Аммо қал'а турар ғамгин ва чўккан,  
Умри ўтиб кетган давронин суриб;

Севимли оила дўстлари ўлиб —  
Ўзи ёлғиз қолган чолдай букчайган.  
Фақат ой чиқишин кутишиб ётар —  
Унинг кўз илғамас яшовчилари,  
Шунда байрам шодлик бошланиб кетар,  
Шовуллаб чиқишар ҳар ёқдан бари:  
Унда янги зоҳид — эски ўрмайчак  
Ўз тўрига тинмай ўрайди арқоқ;  
Яшил калтакесак гала-галалаб,  
Бир-бирин қувишиб ўйнашар қувноқ;  
Қоронғу ёруғдан аста ўрмалаб, —  
Илон чиқиб келар судралиб шу чоқ:  
Бирдан ётиб олар уч кулча бўлиб,  
Эски зинапоя устига тўлиб.  
Гоҳ бирдан бўйини қилиб арғамчи,  
Ётади ярқираб оппоқ ойдинда,  
Гуё унутилган жанг майдонида —  
Ҳалок бўлган эрнинг пўлат қиличи!..  
Ҳамма нарса ваҳший: йиллар изини  
Асрларнинг қўли қўймай бирини  
Узоқ-узоқ вақтлар супурган бундан,  
Ҳеч нарсада белги қолмаган бирон;  
На Гудал отининг шон-шухратидан,  
На унинг сеvimли қизидан нишон!

Аммо ўша черков, улар суяги —  
Кўмиб қўйилган жой, у чўкки эҳром,  
Муқаддас паноҳда топиб тинч ором,  
Булутлар қўйнида кўринар ҳали.  
Эшигида қорли қора харсанглар,  
Гуё қўриқловчи носбонлар унда,  
Улар кўкрагида совут ўрнида  
Асрлар қўйилган музлар ярқираб.  
Баланддан қулаган кўчкилар қатор  
Қулаган жойида муз қотиб ётар,  
Ярқирайди тушган шалоласимон,  
Осилиб ётишар хўмрайиб ҳар ён.  
Унда қўриқчидай бурон увлайди,  
Қадим деворларнинг чанггин тўздириб,  
Гоҳ у узоқ-узоқ қўшиқ куйлайди,



Гоҳо посбонларга юрар ўкириб;  
Бу ажойиб эҳром дарагин топиб,  
Келишар тўп бўлиб булутлар фақат  
Узоқ ўлкалардан — шарқдан беадаз,  
Та'зим қилишади унга ёпирилиб;  
Аммо оиланинг кўпдан мазорин —  
Йўқлаб келмас ҳечким ва тўкмас зорин.  
Казбек қоялари шундай мустаҳкам,  
Маҳкам сақлар улар ўлжа ва домин,  
Кишиларнинг мангу ноалари ҳам  
Бузолмас уларнинг мангу оромин.

1841 йил.